



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 31 октябрь, № 219 (6913) Сешанба

Сайтнинг ушбу учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ — БОШ МАҚСАДИМИЗ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг бориши, истиқболли лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 28 октябрь куни Тошкент шаҳри туманларида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Tashkent City халқаро бизнес маркази лойиҳаси билан танишди.

Мазкур замонавий комплекс пойтахтимизнинг Алишер Навоий, Олмазор, Ислоҳ Каримов ва Фуқрат кўчалари оралиғидаги 80 гектар ҳудудда барпо этилади. Лойиҳага мувофиқ, Tashkent Cityда бизнес марказлар, савдо мажмуалари, меҳмонхоналар, офислар, конгресс-холл, кўрғазма заллари, кўп қаватли замонавий уйлар, рестороанлар, сунъий кўл, фавворалар ва бошқа объектлар қурилади.

Бу ҳақда 2017 йил 28 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг марказий қисмини ободонлаштириш ва архитектуравий қиёфасини янада яхшилаш ҳамда аҳоли ва пойтахт меҳмонлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Мазкур ҳужжат асосида Вазирилар Маҳкамаси ҳузурда Tashkent City халқаро бизнес маркази ҳудудидаги объектларни қуриш ва эксплуатация қилиш бўйича дирекция тuzилган.

Хозирги кунда ҳудудни қуришга тайёрлаш ишлари амалга оширилмоқда. Марказни лойиҳалаштириш ва қуришга мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг етакчи лойиҳа институтлари, қуриш компаниялари жалб этилмоқда. Чет эл инвесторлари мазкур замонавий лойиҳани амалга оширишда иштирок этишга катта қизиқиш билдирмоқда.

Президентимиз қурилиш участкасида ушбу замонавий марказ лойиҳалари ва режалари билан танишди. Буюртмачи ва қурувчилар олдига турган вазифалар, ташкилий ва молиявий масалаларни муҳокама қилди. Лойиҳаларни тақомиллаштириш, қурилишни тезлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрининг Кичик ҳалқа йўли ва Фарғона йўли кескишган жойда Фарғона йўли тўғрисидаги қарор қабул қилди.

Илгари пойтахтимизнинг марказидан Фарғона йўлига чиқиш келиш учун транспорт воситалари ортиқча бир неча километр

юрисга мажбур бўларди. Давлатимиз раҳбари 25 март куни бу ерда бўлиб, йўлқўзғични реконструкция қилиш ва унинг бир қисмини янгидан қуриш бўйича топшириқлар берган эди. Яқинда ушбу кўприкнинг фойдаланишга топширилгани ҳайдовчиларга катта қулайлик яратди, ҳаракат хавфсизлигини таъминлади.

Йўлқўзғичнинг эни 30, узунлиги 346 метр бўлган қисми реконструкция қилинди. Эни 22, узунлиги 281 метр бўлган қисми янгидан барпо этилди. Икки томонда пиёдалар йўлакчалари қурилди.

Президентимиз ушбу йўлқўзғич одамларга қанчалик манзур бўлгани, транспорт ҳаракати ва хавфсизлигига қандай таъсир қўрсатгани билан қизиқди. Бундай кўприкларни пойтахтимизнинг бошқа жойларида ҳам қуриш, бунда, аввало, хавфсизлик талабларига қатъий риоя этиш зарурлигини таъкидлади. Кўприк атрофини ободонлаштириш, пойтахтимиз қиёфасига мос замонавий бинолар қуриш бўйича кўрсатмалар берди. Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институтида кўприксозлик бўйича кадрлар тайёрлаш масаласига эътибор қаратилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 19-20 май кунлари Туркманистонга ташрифи чоғида Тошкентда Махтумқули номидаги кўча ва буюк туркман шоирига бағишланган мейморий ёдгорлик очилгани, Ашхобод боғини ташкил этиш бўйича ишлар амалга оширилётганини қайд этган эди.

Давлатимиз раҳбари Яшнобод туманида қуриб битказилган «Ашхобод сайилгоҳи»да бўлди.

Шавкат Мирзиёев худудларга ташрифи чоғида шаҳар ва қишлоқларимизда яшил худудлар майдонини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, инсон саломатлиги ҳамда атроф-муҳит учун фойдали бўлган дарахт ва буталар турини кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берган эди. Бундай боғлар бугун юртимизнинг барча ҳудудида замонавий мейморчилик талаблари асо-

сида бунёд этилиб, мавжудлари реконструкция қилинмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури асосида жорий йилда одамларнинг мароқли ҳордиқ чикаришига кўмаклашиш, худудларимизни янада обод ва фаровон қилиш мақсадида юзта маданият ва истироҳат боғи, маданият ва аҳоли дам олиш марказини капитал реконструкция қилиш, хиёзлаш бўйича вазифалар белгиланган.

Туркманистон мейморчилик анъаналари асосида барпо этилган сайилгоҳнинг умумий майдони 10 гектардан ортиқ бўлиб, бу ерда саккизта фаввора қурилди ва уларга рамзий номлар берилди. Боғдаги ҳушманзара дарахтлар, замонавий ўриндиқлар ва бошқа қулайликлар киши кайфиятини чоғ қилиб, атроф-муҳитга сўлимлик бахш этади.

Мазкур сўлим максада одамлар бўш вақтларини кўнглидагидек ўтказиши, сайр қилиб, маданият ҳордиқ чикариши учун барча имкониятларини яратиш керак, деди Шавкат Мирзиёев. Мажмуа таркибида икки қаватли савдо дўконлари, умумий овқатланиш шохобчалари, замонавий хизмат кўрсатиш тизими яратилиши лозим.

Сайилгоҳда турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш, учрашувлар ўтказиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президентимиз сайилгоҳ ва унга туташ худудларни янада ободонлаштириш бўйича топшириқлар берди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан транспорт-коммуникация соҳасини ривожлантириш ва модернизация қилиш, йўловчиларга замонавий транспорт хизмати кўрсатишни кенгайтириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари, пойтахтимизнинг келгуси ривожланиши инobatта олиниб, Тошкент шаҳрида ер усти халқа метро линиясини барпо этиш бўйича ишлар бошлангани бу бо-

радаги ислохотларнинг узвий давомидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мазкур қурилиш билан танишди.

Метрополитен энг қулай, хавфсиз, ишончли, экологик тоза транспорт воситаси бўлиб, қундалик ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Таҳлилларга кўра, Тошкент шаҳрида ҳар куни 180 — 200 минг киши метрополитен хизматидан фойдаланади. Шу кунлари Сергели туманида ер усти метро йўналиши қурилмоқда. Янги халқа метро йўналиши барпо этилиши эса пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларини шаҳарнинг турли туманларига тез, хавфсиз етказиб қўйиш имконини беради. Автоуловлар тирбандлиги камаяди.

Давлатимиз раҳбари қурилиш жараёнини кўздан кечираркан, замонавий ер усти метро йўналиши бугунги кун талаби эканини таъкидлади.

Умумий узунлиги 52,1 километрдан иборат мазкур метро йўналишининг 50,5 километри бўлган 6 метрлик эстакадалар орқали ўтказилади, 1,6 километри ер устида қурилади.

2017 — 2021 йилларга мўлжалланган лойиҳа беш босқичда амалга оширилади. Дастлабки босқичда Тошкент метрополитенининг «Дўстлик» бекатидан Қўйлик бозоригача бўлган қисми қурилади. Узунлиги 11 километр бўлган ушбу қисмда саккизта бекат бунёд этилиши мўлжалланмоқда.

Иккинчи босқич Қўйлик бозори билан Чилонзор линиясининг «Олмазор» бекатини ўзаро боғлайди. Учинчи босқичда «Олмазор»дан «Беруний» бекатигача бўлган қисм барпо этилади. Кейинги босқичда иншоот «Беруний»дан «Бодомзор» бекатигача қурилади, сўнгги босқичда «Дўстлик» бекатига уланади.

Халқа метро йўли бўйлаб жами ўттиз бешта бекат, юзга яқин эскалатор, учта вагон депоси бунёд этилиши режалаштирилган. Қурилиш жараёнида ҳаракат йўналишини бирорта ҳам иншоот, айниқса, аҳоли ҳонадонларига зиён етказмасдан ўтказиш ҳисобга олинган бўлиб, бу бунёдкорлик ишлар

рида аҳоли манфаатлари ҳар томонлама инobatта олинганидан далolatдир.

Айни пайтда эстакадалар учун монолит усулда бетон устувлар қўйиш ишлари бажарилмоқда. Бутун халқа йўналишида 2 мингдан зиёд ана шундай устувлар бунёд этилади.

Қурилиш ишлари «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятига қарашли «Кўприк қурилиш трести» унитар корхонаси бунёдкорлари томонидан амалга оширилмоқда.

Хар томонлама қулай, арзон ва хавфсиз бўлган мазкур транспорт тармоғи барпо этилиши пойтахтимиз учун улкан иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга эга, деди Шавкат Мирзиёев. Тошкент шаҳрида транспортга бўлган эҳтиёжни таъминлаш, бу масалага самарали ечим топиш доимий эътибордаги масалалардан. Мазкур лойиҳани амалга оширишда аҳоли учун қулай бўладиган ечимларга таянилади. Натижада метронинг бошқа йўналишлари билан оқилона боғлаш орқали шаҳар транспорт-июкламасини энгиллаштиришга олиб келадиган ушбу лойиҳа танланди.

Президентимиз аҳолига қулайлик яратиш мақсадида янги замонавий транспорт линиясини 2020 йилда тўлиқ фойдаланишга топшириш бўйича матасаддиларга зарур топшириқлар берди.

Давлатимиз раҳбари Яшнобод туманидаги «Ватандош» маҳалла фуқаролар йиғинида тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Тошкент шаҳар туманлари ҳокимлари ва фаоллари билан учрашди. Очик мулоқот шаклида ўтган учрашувда коммунал, йўл-транспорт, таълим, тиббиёт, фан-техника соҳаларида амалга оширилётган ишлар ва ечимини қулайлаштирадиган масалалар ҳусусида сўз юритилди.

Шавкат Мирзиёев мазкур маҳалладаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари дўкониди ҳам бўлди ва аҳоли эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотлар тури ва нархи билан қизиқди.

У.А.

РОССИЯ ҲУКУМАТИ РАИСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

2017 йил 2-3 ноябрь кунлари Россия Федерацияси Ҳукумати раиси Дмитрий Медведев бошчилигидаги делегация расмий ташриф билан Ўзбекистонга бўлади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Россия делегациясини қабул қилди.

Ташриф доирасида кўп қиррали ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш, уларни аниқ мазмун билан бойитишнинг истиқболли йўналишларини муҳокама қилиш учун ҳукуматлараро музокаралар ўтказилиши режалаштирилган.

Дмитрий Медведев, шунингдек, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этади.

Ўзбекистон — Россия муносабатларини мазмунан бойитиш йўлида

Тошкент ва Москва ўртасидаги фаол ҳамда самарали мулоқотлар изчил давом этмоқда. Россия Федерацияси Ҳукуматининг раиси Дмитрий Медведев 2-3 ноябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 4-5 апрель кунлари Россияга буюрган давлат ташрифи икки томонлама стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг жадаллашувини бошлаб берди. Умумий қиймати 16 миллиард АҚШ доллари тенг 50 дан зиёд ҳукуматлараро, идоралараро ҳамда корпоратив битимларнинг имзолангани мисли қўрилмаган воқеа бўлди.

Икки томонлама муносабатлар кун тартибидидаги долзарб масалаларни муҳокама қилиш Россия расмийларининг амалий ташрифи чоғида давом этди. Масалан, 20 — 22 август кунлари Россия Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши раисининг ўринбосари Ильяс Умаханов бошчилигидаги парламент делегацияси, 23 августда Россия Ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Игорь Шувалов, 25 сентябрь куни Татаристон Республикаси Президенти Рустам Минниханов, 16 октябрда эса Чеченистон Республикаси раҳбари Рамзан Қодиров Ўзбекистонда бўлди.

Шуни айтиш жоизки, Россия анъанавий равишда мамлакатимизнинг етакчи ташки савдо шериги бўлиб қолмоқда. Масалан, жорий йилнинг январь — сентябрь ойларида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 3,5 миллиард АҚШ долларидан иборат бўлди.

Бугунги кунда давлатларимиз ўртасида амал қи-

лаётган «яшил йўлак» доирасида Ўзбекистондан Россия бозорига етказиб берилаётган ҳўл ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажми ҳамда турлари кўпайиб бораётгани кузатишмоқда.

Республикамизда анъанавий ўтказиб келинаётган Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида Россиянинг ташкилот ва компаниялари қилат иштирок этаётган. Жорий йил 6 — 8 сентябрь кунлари бўлиб ўтган навбатдаги ярмаркада улар билан умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлган экспорт шартномалари имзоланди.

Жорий йил сентябрь ойда Президент Владимир Путиннинг топшириғига биноан мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлган Россия Федерацияси қишлоқ ҳўжалиги вазири Александр Ткачев Россия томонининг Ўзбекистон билан қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги тўла қамровли амалий ҳамкорлигини ривожлантиришдан манфаатдор эканини яна бир қарра тасдиқлади.

Ўз навбатида, ўзбек ишлаб чиқарувчилари ҳам Россияда ўтказиладиган халқаро кўрғазмаларда фаол қатнашмоқда. Сентябрь ойда Москвада бўлиб ўтган «Текстильлегпром» 49-Федерал улгуржи ярмаркасида ҳамда «MosShoes» 73-Халқаро пойабзал кўрғазмасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган кенг қамровдаги маҳсулотлар намоиши қилинди.

(Давоми 2-бетда.)

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ:

СОҲАДА ЯНГИ ТИЗИМ ВА АМАЛИЁТ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Пойтахтимиздаги Ёшлар пресс клубида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва бошқа ташкилотлар мутасаддилари иштирокида мулоқот бўлиб ўтди.

Унда мактабгача таълим вазири Григорина Шин, халқ таълими вазири ўринбосари Дилшод Кенжаев, шунингдек, мактабгача таълим муассасалари мудири, тарбиячилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мактабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғинидир. Мутахассисларнинг илмий ҳўлосаларига кўра, инсон ўз умри давомида олади-ган барча ахборот ва маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олади. Шу боис болаларнинг соғлом ва билимли, етук кадрлар бўлиб вояга етишида боғча тарбияси жуда муҳим ўрин тутди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу тизимга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу масалага доир бир неча йилгилар ўтказилди,

тарихий қарорлар қабул қилинмоқда. Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йил 16 август куни бўлиб ўтган йиғилишда мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, мазкур муассасаларга болаларни тўла қамраб олиш бўйича муҳим вазифалар қўйилган эди. Бу борадаги таҳлиллар натижасида қисқа вақтда учта йирик ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 9 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил

этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Уларда мактабгача таълим тизимини комплекс ривожлантириш, болаларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашнинг барча жиҳати белгилаб берилди. Хусусан, янги тузилган Мактабгача таълим вазирлиги олдига шу соҳа бўйича давлат сийсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мактабгача таълим муассасалари давлат ҳамда нодавлат тармоғини кенгайтириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларига болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларида замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш вазифалари қўйилди.

(Давоми 2-бетда.)

Буюк Ипак йўли бўйлаб

Кеча пойтахтимиздан Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой йўналиши бўйлаб халқаро автокарвон йўлга чиқди.

ХАЛҚАРО АВТОКАРВОН

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 11 — 13 май кунлари Хитойга давлат ташрифи ҳамда Қирғизистон Республикаси Президентининг жорий йил 5-6 октябрда мамлакатимизга ташрифи доирасида имзоланган ҳужжатлар Тошкент —

Андижон — Ўш — Иркиштон — Қошғар автомобиль йўлагининг очилишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу мамлакатларимиз ўртасида ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, молия, транспорт инфратузилмасини янада тақомил-

лаштириш, Марказий Осиё бўйлаб юк ташиш ҳажминини оширишда қўл келди. Автокарвоннинг йўлга чиқиши муносабат билан ўтказилган тадбирда ана шу жиҳатлар алоҳида қайд этилди.

(Давоми 2-бетда.)

Самарқанд — Истанбул:

ИЛК ПАРВОЗ АМАЛГА ОШИРИЛДИ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясига қарашли самолёт кеча Самарқанд халқаро аэропортидан Самарқанд — Истанбул — Самарқанд йўналиши бўйича илк парвозни амалга оширди.

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

Шу муносабат билан тантанали тадбир ўтказилди. Кенг жамоатчилик вакиллари қатнашган маросимда сўзга чиққанлар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг яқинда Туркияга амалга оширган давлат ташрифи давомида мамлакатларимиз ўртасида турли соҳаларда, жумладан, фуқаро авиацияси

бўйича ҳамкорлик алоқаларини изчил ривожлантиришга келишилганлигини алоҳида таъкидлашди. Самарқанддан Истанбулга тўғридан-тўғри ҳаво қатновининг йўлга қўйилгани бунинг амалий натижаси эканини эътироф этилди.

(Давоми 2-бетда.)



А. ИСРОИЛОВ (Ў.А.) олинган сурат.

Ўзбекистон — Россия муносабатларини мазмунан бойитиш йўлида

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Эслатиб ўтамиз: октябрь ойининг бошида Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Россия бизнес форуми доирасида Ўзбекистон ва Россия ишбилармон доиралари вакиллари савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий соҳалардаги истиқболли ҳамкорликнинг оралик янги равишларини янада ривожлантиришни ҳам муҳокама этдилар. Ушунда таъкидланганидек, автомобиль санаяти, қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш, тўқимачилик ва фармацевтика соҳаларидаги кооперация ўзаро савдонинг диверсификациялаш ҳамда унинг ҳажмини йилга 8 — 10 миллиард АҚШ долларига етказиш имконини беради.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик кун сайин ривожланаётган йўналишларнинг яна бири ҳисобланади. Икки мамлакатнинг етакчи олий ўқув юрталари ўртасидаги алоқалар тобора кенгайиб бормоқда. Мисол учун, 2017 йил июнь ойида Москвада Ўзбекистон Таълим вазири Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммадиевич Жамаловнинг раҳбарлигида бўлиб ўтган «Ўзбекистон — Россия» қўшма ишловига 8 — 10 миллиард АҚШ долларига етказиш имконини беради.

Мамлакатларимизнинг ёш ҳамда таърибли санъат усталари ўртасидаги учрашувлар маданий мулоқотни кўллаб-қувватлаш имконини бермоқда. Июнь ойида Россия пойтахтида «Москва дўстларни кутиб олади» XIV Халқаро фестивали бўлиб ўтди. Владимир Спиваков халқаро хайрия жағмарисининг ўта кенг қамровли ушбу лойиҳасида В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчилари Ўзбекистон санъатини намойиш қилди. Ёш иктидор эгаларининг чиқиши томошабинларнинг гулдурас олиқларига сазовор бўлди. 26 август — 3 сентябрь кунлари Москва шаҳрида уюштирилган «Спасская башня» Х халқаро харбий-мусиқа фестивалида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Алоҳида намунали-кўргазмали харбий оркестри чиқишлари ҳам муваффақиятли бўлди.

Хар икки мамлакатда ўтказилаётган маданият кунлари Ўзбекистон ва Россия халқлари ўртасидаги дўстликнинг ҳамда бир-бирини ўзаро тўғри тушунишнинг мустаҳкамланишини таъминламоқда. Сентябрь ойида Россияда Ўзбекистон маданияти кунлари тадбири доирасида Россия Федерациясининг аҳолиси ва меҳмонлари ўлкамиз ҳақидаги суратлар кўргазмаси билан танишганлари баробарида, ўзбек эстрадасининг таниқли санъаткорлари, «Ялла», «Маком» ансамбллари, Ўзбекистон Ёш симфоник оркестри томонидан тайёрланган махсус концерт дастури намойишдан баҳраманд бўлишди.

29 сентябрь — 2 октябрь кунлари Москва ҳамда Бутун Рус Патриархи Кирилл бошчилигидаги Рус православ черковининг Москва Патриархати делегацияси мамлакатимизга таширф буюргани динлараро муваффақиятли мулоқот ва маданий ҳамкорликнинг гарови бўлди. Ташриф чоғида Рус православ черкови раҳбари юртимизда миллатлараро тинчлик ҳамда ҳамжихатлигини таъминлаш, турли этникдаги кишиларни ўртасида дўстлик ва бир-бирини тўғри тушунишни мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган сиёсатга юқори баҳо берди. Диний ароб республикамизда ҳаётга изчил татбиқ этилаётган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси доирасидаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг янги босқичини ижобий баҳолади.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон — Россия ўртасидаги стратегик шериклик ҳамда иттифоқчилик муносабатлари жорий йилда янги мазмун билан бойинди, ўзаро алоқалар, кўриниб турганидек, барча йўналишда изчил кенгаймоқда. Шу нуктага назардан, Россия Федерацияси Хукумати раиси Дмитрий Медведевнинг мамлакатимизга буюрадиган расмий таширифи, шубҳасиз, халқларимиз манфаатлари йўлида икки томонлама самарали ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Г. НУРЖОНОВА, «Жаҳон» АА.

Самарқанд — Истанбул: ИЛК ПАРВОЗ АМАЛГА ОШИРИЛДИ

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Мазкур йўналиш давлатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтиришда икки мамлакат ишбилармонларига кенг имкониятлар яратиши баробарида, юртимиз сайёҳлик салоҳиятининг юксалишига ҳам хизмат қилади.

Самарқандлик тадбиркорлар билан ҳамкорликни йўлга қўйганимизга анча бўлган, — дейди туркиялик ишбилармон Меҳмед Оташ Якар. — Шу пайтгача она-юртимга «Тошкент» халқаро аэропорти орқали бориб келардим. Эндиликда Самарқанддан Истанбулга тўғридан-тўғри авиақатнов очилгани мен каби кўплаб ишбилармонлар учун катта қўлайлик яратди. Бунинг учун давлатларимиз раҳбарларидан миннатдоримиз.

парвозлар ҳозирча ҳар ҳафтанинг душанба, 16 ноябрдан бошлаб эса пайшанба кунинда ҳам амалга оширилади. Яъни катнов ҳафтада икки мартага етказилди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси янги йўналишда йўловчиларга «Airbus A320» ҳамда «Boeing 757» замонавий самолётлари орқали хизмат кўрсатади.

Самарқанд — Истанбул — Самарқанд йўналиши бўйича илк рейсинг йўловчис эканлигиндан хурсандлик, — дейди самарқандлик Наргиза Курбонова. — Айниқса, бугунги тантанали маросим том маънода тарихий кун сифатида хотирамизда даққаланган қолади. Икки ҳафтанинг алоқалар бундан кейин яна ҳам ривожланиши ва мустаҳкамланиши тарафдоримиз.

Бахтиёр МУСТАНОВ.

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 19 октябрь кунлари Москвадаги «Ўзбекистон — Россия» қўшма ишловига қўшилган мажлисда салтанатли равишда ўзбекистонлик ва россиялик раҳбарларнинг «Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги фаолияти»ни тақдирлади.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ: СОҲАДА ЯНГИ ТИЗИМ ВА АМАЛИЁТ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Мақтабгача таълим тизимида сифат ўзгаришга эришиш, таълимнинг ўзгаришга эришиши таъминлаш имконини беради.

Мулоқотда Президентимизнинг Фармон ва қарорлари мазмун-моҳияти, белгиланган чора-тадбирларнинг кўлами ва аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Мақтабгача таълим муассасаларининг бугунги ҳолати ва уларга болаларни тўлиқ қамраб олиш истиқболлари муҳокама марказида бўлди.

Мақтабгача таълим вазирлигининг ташкил этилиши дунё таърибидеги ҳали кузатилмаган, — деди мақтабгача таълим вазири Агриппина Шин. — Албатта, ўтган йилларда мамлакатимизда бу соҳада қатор тақдирли-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Аммо ўтказилган таҳлиллар мақтабгача таълим муассасалари фаолиятининг самараси етарли даражада эмаслигини кўрсатди. Масалан, мамлакатимизда аҳоли нуфуси ортиб бorgan сўнгги 20 йил давомида давлат тасарруфидagi мақтабгача таълим муассасалари 45 фоиздан зиёдроқ камайган. Болаларнинг мазкур даргоҳларда қамраб олиниши бугунги кунга келиб атиги 30 фоизни ташкил этмоқда.

Мақтабгача таълим тизимининг қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини Президентимизнинг боғча тарбиясини олган бола билан боғчага бормасан боланинг

фиқрлаш даражаси ўртасидаги фарқ хусусидаги фикрларидан ҳам билиш мумкин. Дарҳақиқат, бугун мақтабгача таълим тизимини қайта қўриб чиқиш масаласи давлат сиёсати даражасидаги масалалардан бирига айланди. Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги фаолияти»ни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори мамлакатимиз таълим соҳасида янги тизимни яратиш ва

ни маълум қилди. Соҳа ходимларининг иш ҳақи оширилиб, уларни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича аниқ манзилли чора-тадбирлар қўрилади. Бундан кўзланган мақсад — болаларни тарбиялаш ва соҳани ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этиш қодир юқори малакали мутахассисларни жалб қилишдир.

мақтабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш орқали соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этишнинг ўз фаолиятининг асосий мезони сифатида белгилаган.

Президентимизнинг шу йил 9 сентябрдаги «Мақтабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари

бугунги кунда мамлакатимизда мавжуд 4 минг 893 та давлат мақтабгача таълим муассасасида 706 мингдан зиёд бола қамраб олинган. Ушбу соҳада ҳар томонлама соғлом ва барқамол авлодни воғга етказишга ўзининг муносиб хиссасини қўшиб келатган 57 мингдан ортиқ мутахассислар меҳнат қилаётган бўлса, шундан 85 фоизини ўрта маълумотли кадрлар ташкил этади. Бу болаларни мақтаб таълими талаб даражасида тайёрлаш имконини беради.

Президентимизнинг қарори соҳада янги ўзгаришлар жараёнини бошлаб берди, — деди Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 4-мақтабгача таълим муассасаси мудири У. Ашрапова. — Унда мақтабгача таълим тизими тармоғини кенгайтириш, муассасалар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, бунда ривожланган давлатлар таърибасини ҳисобга олиш каби муҳим вазифалар белгиланган. Эндиликда болаларни боғчаларга қамраб олишнинг мутлақо янги ва мақсадли дастурлари ҳаётга жорий этилади. Қарорда соҳада фаолият юритаётган кадрларни моддий рағбатлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилгани бизга бўлган эътиборнинг юксак намунаси бўлди.

Мақтабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш даражаси пастлиги малакали кадрларни жалб қилиш имконини бермасди. Мақтабгача таълим вазирлиги бу борада ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлиши

тўғрисида»ги қарори асосида соҳада давлат-хусусий шериклик механизми илк бор жорий этилади. Бунда хусусий секторлар солиқ, бож тўловларида, узоқ муддатли ва мақбул шартларда кредитлар олиш каби қатор имтиёزلарга эга бўлади. Бундай савий-харақатлар туфайли мақтабгача таълим муассасаларида ҳаммабоб нархлар таъминланади. Олис ҳудудларда ҳам 5-6 ёшли болаларни мақтабгача таълим муассасаларига тўлиқ қамраб олиш ва уларни мақтабга тайёрлаш учун мамлакатимиз ҳудудларида қўшимча 50, 70, 100, 120 ва 150 ўринли давлат ва нодавлат мақтабгача таълим муассасалари барпо этилади, қисқа муддатли — 3-4 соатли гуруҳлар фаолияти янада кенгайтирилади. Замонавий таълим-тарбия усулида олиб бориладиган машғулотларда ўқув-методик ва дидактик адабиётлардан кенг фойдаланган ҳолда, тарбияланувчиларнинг билими ва маънавий-ахлоқий даражасини янада юксалтириш кўзда тутилган.

Соғлом авлод тарбиясида тўғри оқватларини ҳам муҳим саналади. Тадбирда мақтабгача таълим муассасаларида болаларнинг рационал ва белгиланган мейёрлар асосида оқватларини таъминлаш, ёш хусусиятларини инобатга олиш, бунда юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва

мақтабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш орқали соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этишнинг ўз фаолиятининг асосий мезони сифатида белгилаган.

Соғлом авлод тарбиясида тўғри оқватларини ҳам муҳим саналади. Тадбирда мақтабгача таълим муассасаларида болаларнинг рационал ва белгиланган мейёрлар асосида оқватларини таъминлаш, ёш хусусиятларини инобатга олиш, бунда юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва

Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш — асосий вазифа

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан давра суҳбати ўтказилди. Унда мамлакат иқтисодиётини янада диверсификация қилиш ҳамда унинг рақобатдошлигини мустаҳкамлаш чоралари муҳокама этилди. Тадбирда сенаторлар, тегишли вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими ходимлари, олимлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, журналистлар қатнашди.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Таъкидланганидек, Харакатлар стратегияси доирасида қўлай инвестиция муҳитини яратиш, тадбиркорликни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, ҳўжалик юртуви субъектлар ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш, экспорт-бop маҳсулотлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш, хусусий сектор ривожини издан чикарадиган бюрократик тўсиқларни олиб ташлашга қаратилган муҳим қонун ҳужжатлари ижрога йўналтирилди. Жумладан, Президентимизнинг шу йил 8 сентябрдаги Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси ҳам ана шу мақсадларга йўғрилган бўлиб, иқтисодиётда давлат иштирокчини камайитиришга, инвестицияларни жалб этиш

имкониятини оширишга хизмат қилади.

Тадбирда идоралараро комиссиялар томонидан ўтказилган хатлов натижасида хусусийлаштирилган ҳамда бўш турган 3 минг 889 та корхона ва объект аниқлангани, уларнинг 2 минг 701 таси бўйича инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилгани айтиб ўтилди. Мазкур лойиҳаларга биноан, 2017-2018 йиллар давомида 2 триллион 572,7 миллиард сўм миқдорда инвестициялар киритилиши назарда тутилган.

Олиб бориладиган мониторинг жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, мамлакатимиз иқтисодиётига 490,4 миллиард сўмлик инвестиция жалб этилгани ҳамда 4 ярим мингдан зиёд иш ўринлари яратил-

ганини кўрсатди. Тижорат банклари томонидан кредитлар асосида 86 та инвестиция лойиҳаси молиялаштирилди, 405 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилди.

Шунингдек, иқтисодиётини янада ислох қилиш, таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ва диверсификациялаш бўйича инвестиция дастурларини 2020 йилгача амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар рўйбга чиқарилмоқда.

Муҳокама чоғида соҳада мавжуд айрим муаммо ҳамда ечимини кутаятган масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Якка тартибдаги имтиёزلар, преференциялар ва устуворликларнинг асосиз тарзда берилиши соғлом рақобат муҳитини ривожлантиришга тўсиқлик қилиши қайд этилди. Иштирокчиларнинг фикрича, барча тадбиркорга бир хил имтиёз ҳамда преференциялар тақдим қилиш орқали уларга тенг шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарур. Шунингдек, республика иқтисодиётининг рақобатдошлигини мустаҳкамлашга қаратилган бозор механизмлари жорий этилишини кенгайтириш, инвестициялар жалб қилиш кўламини ошириш мақсадида бу йўналишдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ҳам гоёат муҳим масалалардандир.

Муҳокама якунида тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Фарида МАҲКАМОВА, «Халқ сўзи» мухбири.



Буюк Ипак йўли бўйлаб

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— Тошкент — Андижон — Ўш — Ирқиштом — Қошғар автомобиль йўналишининг умумий узунлиги 900 километрдан ортиқ, — дейди Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги масъул ходими Аҳмаджон Халилов. — Мазкур йўналишнинг очилиши юртимиздан Хитойгача бўлган юк ташиш харажати сезиларли даражада камайтиради. Ўз навбатида, вақтни тежаш имконини беради. Қолаверса, ушбу лойиҳа худудлар ўртасида транспорт-коммуникация инфратузилмасини тараққий топтириш,

ўзаро савдо айланмасини оширишда низоҳатда муҳимдир.

Ҳисоб-китобларга кўра, Тошкент — Андижон — Ўш — Ирқиштом — Қошғар йўналишидаги автокавон билан юкларни ташиш учун ўртача икки кун вақт талаб қилинади. Келгусида мазкур йўналишда истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, янги йўналишлар очил, юк ташиш хавфсизлиги кучайтириш ва микродорини кўпайтиришни таъминлаш, бу борада зарур қўлайликларни яратиш кўзда тутилган.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Судьялар ассоциацияси съезди

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон Судьялар ассоциациясининг V съезди бўлиб ўтди. Унда судьялар орасидан сайланган делегатлар, суд фахрийлари, парламент аъзолари, Бош прокуратура, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари, нодавлат нотариат ташкилотлари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Съездда Ўзбекистон Судьялар ассоциациясининг 2012 — 2017 йиллардаги фаолияти ва келгусидаги вазифалари муҳокама этилди ҳамда ассоциация масъул шахсларининг ҳисоботлари тингланди.

Анжуманда таъкидланганидек, адолат халқимиз учун азал-азалдан тинч ва фаровон ҳаёт мезони, эзгуликлар манбаи бўлиб келган. Соҳибқирон Амир Темур «Куч — адолатда» деган ҳикматга амал қилиб, эл-юртнинг тинчлиги ҳамда фаровонлигини таъминлашга

эришган. Бугун ҳам юртимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш мақсадида қонун ва адолат устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинаётимиз. Буни суд тизими ислохотлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан ишлаб чиқилган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси тизимидаги ислохотларга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Съезд иштирокчилари ўтган даврда судьяларнинг мустақил фаолият юритишини таъминлаш юзасидан муҳим чора-тадбирлар қўрилгани, хусусан, судьялар ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида уларнинг иш ҳақи бир неча баробар оширилгани, жисмоний шахслардан олинган дин даромад солиғидан озод қилинганини алоҳида эътироф этилди. Судьялар эса шундай эътибор ҳамда ғамхўрликка жавобан муносиб фаолият олиб боришлари, қабул қилинаётган ҳар бир қарор асосли, адолатли ва қонуний бўлишига интилишлари зарурлиги билдирилди.

Тадбирда қайд этилганидек, 1997 йилда фаолият бошлаган Ўзбекистон Судьялар ассоциа-

цияси судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суд ҳокимиятининг инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилувчи институт сифатида шаклланишига ҳисса қўшадиган мустақил жамоат ташкилоти сифатида ўзини ҳар томонлама намоён этиб келмоқда. Айни чоғда унинг ролини ошириш ҳамда фаолиятини такомиллаштиришнинг даврининг ўзи тақозо қилаётган. Шундан келиб чиқиб, бир қатор тақлиф ҳамда тавсиялар берилди. Ассоциациянинг соҳа учун кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан боғлиқ фаолиятини кучайтириш, бу борада Юристарлар малакасини ошириш маркази билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйиши муҳимлиги ай-

тиб ўтилди. Қолаверса, аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтириш, ислохотларнинг мақсад ҳамда вазифаларини тушунтириш, судьялар орасида суд этикаси қондаларини тарғиб этиш ишларини тизимли олиб бориш, ушбу йўналишда халқаро юристлар ҳамжамияти ва хорижий давлатлар судлари жамоат бирлашмалари билан алоқаларни мустаҳкамлаш ҳам бугунги кунда долзарб саналади.

Съездда ташкилий масалалар кўриб чиқилиб, Ўзбекистон Судьялар ассоциацияси раиси лавозимига Убайдулла Курбонovich Мингбоев сайланди. Шунингдек, Марказий кенгаш аъзолари ҳамда тафтиш комиссиясининг янги таркиби сайланди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚОНУН ВА ИЖРО

Нукус шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили Д. Қосимов қорақалпоғистонлик тадбиркорлар ҳамда ишбилармонлар билан учрашув ўтказди.

Тадбиркорлар билан юзма-юз мулоқот

Юзма-юз мулоқотларда бизнес-омбудсман Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтининг вакиллари, келгусидаги режалар ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумот берди. Ушбу институт тадбиркорлик тузилмалари ҳамда давлат ташкилотлари ўртасидаги самарали мулоқотнинг янги механизмларини ҳаётга татиқ этганини, бизнес вакилларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган давлат ҳимоясини амалга ошираётгани таъкидланди.

латларини мустақил равишда, давлат уюмлари ҳамда мансабдор шахсларга бўйсунмаган ҳолда амалга ошириши, ўз навбатида, у ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобдор эканлиги айтиб ўтилди.

Учрашувда қорақалпоғистонлик тадбиркорлар фаолиятига тўқсинлик қилаётган муаммо ва камчиликлар хусусида ҳам сўз юритилиб, уларни бартаф қилиш бўйича чора-барака белгилаб олинди.

Бундай мулоқотлар Орол-бўйидаги барча шаҳар ҳамда туманда бўлиб ўтмоқда.

Ҳидоят АХМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Интерфаол хизматлар такомиллашмоқда

Тошкентда "Давлат электрон хизматларини оммалаштиришда медиа ёндашувлар" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, "Электрон ҳуқуқ" тизимини ривожлантириш маркази ҳамда Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигида амалга оширилган "Самарали давлат бошқаруви учун электрон ҳуқуқ" лойиҳаси доирасида ташкил қилинди.

СЕМИНАР

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда жисмоний ҳамда юридик шахсларга интерфаол хизматлар кўрсатиш соҳасига ахборот-коммуникация технологиялари кенг ва мақсадли жорий этилаётган. Жумладан, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харақатлар стратегиясида бу борадаги саъй-ҳаракатлар алоҳида белгиланган.

Бугунги кунда давлат органлари веб-саҳифалари ва Интерфаол давлат хизматлари ягона портали (my.gov.uz) аҳолига уюшган ортқ хизматларни қўрсатмоқда. Портал очилган кундан бошлаб ҳозиргача рўйхатдан ўтган 230 миң нафардан ортқ фойдаланувчилардан 1,5 миллионга яқин мурожаатлар келиб тушган.

БМТ томонидан 2016 йил 30 июль кунги чоп этилган шарҳда Ўзбекистон "Электрон ҳуқуқ" тизимини ривожлантириш кўрсаткичлари рейтингиде 20 поғона юқоридагари эса бунинг пировард натижасидир.

Жорий йилда Харақатлар стратегияси доирасида Ягона порталнинг янгилашган шакли — my2.gov.uz ишга туширилди. Мазкур портал айти пайта синов режимида фаолият юритмоқда.

Тренингда давлат хизматларининг онлайн режимга ўтиши борасида аҳолини ҳар томонлама хабардор қилишнинг долзарблиги билан боғлиқ масалалар ўртага ташланди. Ахборотларни тарқатишда самарали усуллар, Ягона портал орқали кўрсатилаётган электрон давлат хизмат-

ларини самарали тарғиб этишда янги услублардан фойдаланиш, замонавий медиаформатларни ишга солишга оид маълумотлар берилди.

Тадбир доирасида "Электрон ҳуқуқ" тизимида ахборот хавфсизлиги муаммолари ҳамда уларнинг ечимларига бағишланган республика семинари ҳам ташкил қилинди. Анжуманда ахборот хавфсизлиги соҳасида тартибга солишчи меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар, ахборот тизимлари ва ресурсларининг ахборот хавфсизлиги ҳодисалари бўйича мониторинг, фаолиятни муҳофаза этиш, ахборот тизимларини ҳимоялашнинг алгоритмик моделлари, Марказий Осиёга таҳдид солаётган ахборот хуружлари, биометрик криптотизимлар муаммоларига бағишланган 15 та тақдимот тингланди.

Шунингдек, тадбирда давлат ҳамда ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг "ict.nis.uz" тизимидаги ахборот хавфсизлиги ҳолатининг жорий йил учинчи чораги бўйича натижалари ҳам эълон қилинди.

Фозилдин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА

Стокгольм шаҳридаги "Bukowskis" аукциониде 1958 йили ишлаб чиқарилган "Omega Speedmaster" русумли соат 2 226 250 швед кронаси (қарийб 275 миң 510 АҚШ доллари)га сотилди.

Чордоқдаги хазина

Уни номи ошқор қилинмаган эгаси отасидан қолган эски ўйиннинг чордоғида тозалаш ишларини олиб бораётган пайтида топиб олган. Манбада келтирилишича, силликланмаган пўлат корпусли, асл кора циферблатдан ишланган ва "Broad Arrow" туркумидаги мил ўрнатилган мазкур соат шу пайтгача ҳатто кўтидан чиқарилмаган ҳам экан. Швейцария компаниясининг ушбу русумдаги соатлари ўзининг "фазовий" экани билан донг таратган.



Чунотчи, 1969 йили АҚШ астронавти Базз Олдрин ойга учганида, 1975 йили эса космонавт Алексей Леонов "Союз" ва "Аполлон" кемаларининг биригининг ушбу русумдаги соатлари ўзининг "фазовий" экани билан донг таратган.

Об-ҳаво инжиқлиги туфайли...



Шимолй денгизнинг Лангеог ороли яқинида "Амстердам шўҳрати" номли юк кемаси саёзликка ботиб қолди.

Унинг бортида 22 нафар экипаж аъзоси бўлиб, барчаси соғ-саломат экани билдирилган. Айтилишича, яқинда кун юз берган кучли пўртана туфайли кема лангарини кўтаролмаган. Унинг ичида 1,8 миң тонна дизель ва 140 тонна кема ёниғисига бор. Маҳаллий аҳоли агар бйрон фалокат содир бўлса, сув транспортидан тўқиладиган ёниғи орол экологиясини издан чиқариши мумкинлигиндан хавотирланмоқда. Маълумот сифатида келтириб ўтамиз, 28-29 октябрь кунлари Германияга "Герварт" довули ёпирилди. Унинг тезлиги соғинасига 50 метргача этган. Кучли шамол бир неча дарахтларни илдизи билан кўпориб ташлаши оқибатида электр этказиб бериш ва поездлар қатновиде узиллишлар бўлган. Бир кишининг вафот этгани маълум қилинмоқда.

Соҳилда ноодатий ҳодиса

Уэльсининг Ньюки пляжиде шу пайтга қадар кузатилмаган ҳодиса рўй берди. Гап шундаки, одатда, қирғоққа яқин ҳам келмайдиган саккизоёқлар пляжини "эгаллаб" олишди.

Асосан, Атлантика океанининг Шимолй қисмида яшайдиган саккизоёқларнинг бу "юрюши" кўпчиликда гайритабиий ажабланиш уйдғоти. Гувохларнинг таъкидлашича, уларни сув қирғоққа отиб юбормаган, балки ўзлари битта-битта сузиб чиқишган. Бунга нима сабаб бўлганлиги ҳозирча номаълум. Олимлар таҳминига кўра, жорий йилда Атлантика узра кўпба довуларнинг пайдо бўлгани мазкур ҳолга олиб келган.

Олимпиада

чипталари тақдимоти

Келгуси йили Жанубий Кореянинг Пхёнчхан шаҳрида ўтказиладиган XXIII қишки Олимпиада ўйинларига кириш чипталарининг тақдимоти бўлди.

Манбада ёзилишича, махсус голограмма ва штрих-код билан ҳимояланган ҳамда устига эгасининг исми-шарифи туширилган чипталарни жорий йилнинг 1 ноябридан эътиборан харид қилиш мумкин. Шунингдек, ташкилотчиларнинг қайд этишича, Олимпиада ўйинлари тарихида илк маротаба мобил чипталардан ҳам фойдаланилиши кўтилмоқда.

XXIII қишки Олимпиада ўйинлари 2018 йилнинг 9 — 28 февраль кунлари бўлиб ўтади. Унда 90 давлатнинг 2,5 миң нафардан зиёд спортчилари қатнашади.

Фаолиятини тугатди

Қарийб қирқ йил мобайнида немис авиа-ташувчилари орасида "Lufthansa" авиакомпаниясидан кейинги ўринда қайд этиб келинган "Air Berlin" 27 октябрь кунги сўнгги парвозини амалга оширди.

Шу кунги компания рамизи туширилган самолёт охириги маротаба осмонга кўтарилиб, йўловчиларни Мюнхендан Берлинга етказиб қўйди.

1979 йили ташкил топган ва дастлабки парвози Испаниянинг Майорка оролига бўлган авиакомпания энди ўз рақобатчининг шўба компанияси саналиши "Eurowings" таркибига ўтди. Бироқ унинг ходимлари янги жойга автоматик равишда ишга олинмайдиган бўлди. Жорий йилнинг августиде банкротлик эълон қилган "Air Berlin"нинг 400 нафар уювчиси ва 900 нафардан зиёд борт кузатувчилари "Eurowings"да фаолият бошлаш учун аввал ариза билан мурожаат этиши, сўнгра белгиланган танловлардан ўтиши кераклиги айтилмоқда.

Компания ўтган йиллар мобайнида фақат зйён кўриб келётган, 2016 йили ўз фаолиятини 780 миллион евро зарар билан яқунлаган эди.

Хорик матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Марказ резидентлари сафи кенгаймоқда

Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни кўллаб-қувватлаш бўйича "Mirzo Ulugbek Innovation Center" инновация марказида янги резидентларга сертификатлар топшириш маросими ўтказилди.

ТАДБИР

2017 йилнинг 24 октябрь кунги Инновация марказининг Мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан қабул қилинган протоколга асосан, 53 юридик шахсга мазкур марказнинг резиденти мақоми берилди. Шу тариқа уларнинг умумий сони 81 тага етди.

Айтиб ўтиш жоизки, Президентимизнинг 2017 йил 30 июндаги "Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ ташкил этилган ушбу марказ резидентлари 2028 йил 1 январгача имтиёз ҳамда преференцияларга эга бўлишди. Жумладан, улар 2028 йил 1 январгача бўлган муддат давмида солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод қилинган.

— Марказ резидентлари

сонини ортиб бормоқда, — дейди унинг директори Хуршид Султонов. — Бу улар учун яратилган қулайлик ҳамда имтиёзлар билан бевосита боғлиқ. Ҳозирги пайтда бошқа компанияларнинг ҳам аризалари кўриб чиқилапти. Яқин орада резидентлар 100 нафарга етади. Мақсадимиз, мамлакатимизда IT соҳасини ривожлантириш ва янги ички маҳсулотда ушбу тармоқ улшини оширишдан иборатдир.

Марказ фаолиятига оид яна бир янгилик: унинг Мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан қабул қилинган протоколга кўра, эндиликда дастурий таъминотлар ҳамда компьютер ўйинлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам резидент мақоми олиши мумкин.

Ф. ИБРАГИМОВ.

Ёрдамчи метеостанция

Янгийўл туманидаги "Gold Dried Fruits" масъулияти чекланган жамияти боғбонларининг иши энгиллашадиган бўлди. Сабаби, жамиятнинг 400 гектарлик боғида агротехника тадбирларини ўз вақтида самарали ўтказиш ҳамда мева-сабзавот маҳсулотлари сифатини яхшилашга имкон берувчи қишлоқ ҳўжалиги метеостанцияси ўрнатилди.

ҚУЛАЙЛИК

Метеостанция ёгингарчилик микдори, ҳаво ва tupрок ҳарорати ҳамда намлиги, дарахт-баргининг ҳолати, шамол тезлиги ва йўналиши каби қатор кўрсаткичларни прогностикаларидан бир неча датчиклар билан жиҳозланган. Улар ёрдамида тўпланган маълумотлар асосида касалликлар ҳамда зараркундаларнинг юзига келиш хатарлари, ҳимоя воситалари билан профилактик ишлов беришни ўтказиш муддатиде, шунингдек, суғориш вақти ва кетма-кетлиги ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ҳамкорлигидаги "Ўзбекистон бизнес форуми (III босқич)" қўша лойиҳаси томонидан пойтахт вилоятида қишлоқ ҳўжалиги метеостанцияларини ўрнатиш ва ушбу ҳудуддаги 800 та фермер ҳамда деҳқон ҳўжалиқларини агротехника тадбирларини ўтказишга оид бепул профессионал тавсиялар билан таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Мазкур ҳаракат доирасида ана шундай метеостанциялар Урта Чирчиқ, Паркент ва Тошкент туманларида ҳам ўрнатилди. Улар қарийб 10 миң

гектардан ортқ ҳудудни қамраб олади.

— Биз ахборот технологиялари асосида ишлайдиган қишлоқ ҳўжалиги метеостанцияларидан олинган маълумотлар ёрдамида етти турдаги мевали дарахтлар учун ҳулосамизини онлайн тарзда боғбонларнинг мобил телефонларига юборамиз, — дейди Тошкент тумани Фермер, деҳқон ҳўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши қошида ташкил этилган "Консалтинг мадад ҳамкор" компанияси раҳбари Эркин Усмоновжаев. — Агротехника тадбирларининг ўз вақтида ҳамда самарали олиб борилиши табиат, энергия ва инсон ресурсларидан оқилона фойдаланиш имконини беради. Ушбу ресурсларга харажатларнинг қисқариши эса мева етиштириш таннарихи ва маҳсулот қийматини пасайтиради.

Биринчи метеостанцияни ўрнатиш муносабати билан ўтказилган тадбирда мазкур лойиҳанинг муваффақиятини унинг Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб қўлланилишига асос бўла олиши таъкидланди. Бу эса, "ақли қирма" ғоясини жорий этиш ҳамда ҳўжалик юритиш жараёнининг тўлиқ автоматлаштирилиши учун замин яратди.

Раҳматилло ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

"GM Uzbekistan Alliance": Ҳамкорликдаги муҳим қадам

"Ўзавтосаноат" акциядорлик жамияти ҳамда АҚШнинг "General Motors" компанияси ўртасидаги келишувга мувофиқ, ҳамкорликнинг янги тузилмаси — "GM Uzbekistan Alliance" ташкил этилди. Бу салоҳияти ортиб бораётган Ўзбекистон автомобилсозлик саноатининг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган истиқболли лойиҳа саналади.

АВТОМОБИЛСОЗЛИК

Зеро, ушбу янги тузилма асосида мамлакатимиз автомобилсозлик саноати мустақил равишда фаолият юритиб, "Chevrolet" ва "Ravon" брендлари остида савдонинг ривожлантиришга муносиб ҳиссасини қўшади. Автомобилсозлик юртимизда истиқлол йилларида йўлга қўйилиб, жадал ривожланаётган тармоқлардан бири ҳисобланади. Кейинги пайтда унинг истиқболига алоҳида эътибор қаратилиб, ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар жалб қилинаётгани, модернизациялаш тадбирлари изчил олиб борилаётгани туфайли халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган, қулай, хавфсиз, жавоб берадиган янги автомобиль моделлари ўзлаштирилди.

— "GM Uzbekistan Alliance"нинг тузилиши "Ўзавтосаноат" АЖ ва

рижда ҳам харидорғир саналади. 2007 йилда "Ўзавтосаноат" АЖ билан "General Motors" компанияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Асқа автомобиль заводи ҳаётида янги давр бошланди. Гап шундаки, бу ерда автомобиль ишлаб чиқариш ҳажми икки баробар оширилди. Шунингдек, маҳаллий этказиб берувчи тармогини кенгайтириш, ишчи-ҳодимлар салоҳиятини кучайтириш, ички ва ташқи бозорлардаги мижозларга юқори сифатли автомобиллар тақдим этиш бўйича улкан ишлар бажарилиди. Энг асосийси, янада илғор ҳамда кўркам, халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган янги автомобиль моделлари ўзлаштирилди.

— "GM Uzbekistan Alliance"нинг тузилиши "Ўзавтосаноат" АЖ ва

"General Motors" компанияси ўртасидаги муносабатлар янги шаклга ўтганлигини, сўнгги 10 йил давомида соҳа ривожланиб, салоҳияти ошганлигини аниқлатади, — дейди корхонанинг Жамоатчилик билан алоқалар хизмати раҳбари Алишер Комилов. — Томонлар альянс доирасида келгусида Ўзбекистонда автомобиллар ҳамда двигателлар ишлаб чиқариш, ички ва ташқи бозорда "Chevrolet" ҳамда "Ravon" брендлари остида автомобиль савдоси бўйича ҳамкорликни давом эттиради.

Мутахассисларнинг айтишича, альянс инновацион технологиялар, ноу-хауларни амалиётга кенгрок табиқ қилиш имконини беради. Бу эса ташқи бозорда харидорғир бўлган автомобиль русумларини тайёрлашни йўлга қўйиш, уларнинг МДХ ва янги бозорларда экспортини кенгайтиришда қўл келади, албатта.

— Соҳа тараққиётининг бугунги сурьати инноватга олинса, ҳозир альянсга ўтишининг айти вақти, — дейди "GM Operations Uzbekistan" президенти ҳамда бошқарувчи директори Хектор Виллареаль. —

ФОРУМ

Пойтахтимиз қарийб бир ҳафта давом этган Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитасининг 76-ялпи мажлисига мезбонлик қилди. Унда дунёнинг элликка яқин мамлакатларидан салкам 1500 нафар экспертлар, амалиётчилар, таҳлилчи ҳамда маркетологлар, нуфузли илмий-тадқиқот институтлари мутахассислари, селекционер олимлар қатнашди.

ПАХТАЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ

Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитасига ўтган асрда асос қўйилган бўлиб, унинг таркибида Доимий кўмита, Пахта синовининг инструментал услубларини тижорий стандарташтириш бўйича мақсадли гуруҳ (CSITG), Пахта ишлаб чиқаришнинг ижтимоий, экологик ва иқтисодий тавсифалари бўйича экспертлар гуруҳи (SEEP), Биотехнология бўйича экспертлар гуруҳи, Хусусий секторга маслаҳат гуруҳи (PSAP), Пахта соҳасини ривожлантириш бўйича халқаро форум (ICFP), Пахта билан боғлиқ қайта ишлаш бўйича экспертлар гуруҳи каби соҳа раванқида катта ўрин тутувчи тузилмалар фаолият юритади.

Бугунги кунда мазкур кўмитага дунёдаги пахта етиштирувчи ҳамда қайта ишлаш 30 дан ортқ давлатлар, жумладан, Ўзбекистон ҳам тенг ҳўқуқли аъзо. Хар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган йилгилиш эса соҳани янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, унинг доирасида жаҳон пахта бозори, тўқимачилик соҳаси, савдо, логистика, суғурта каби

масалалар, қисқача айтганда, соҳа ривож таҳлил қилиниб, мавжуд муаммолар муҳокама этилади. Узро тажриба алмашилиб, пахта етиштириш агротехнологияси, селекцияси, генетикаси ва биотехнологияси йўналишидаги илмий ишланмалар билан яқиндан танишилади.

Кўмитанинг навбатдаги форуми ҳам бундан мустасно бўлмади, албатта. Яъни Тошкент мажлисида шулар қаторида, пахтага бирламчи ишлов бериш, тала сифатини баҳолаш, уни қайта ишлаш борасидаги муаммо ҳамда ютуқларга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур залар кўлами кенг ва мазмунли жуда бой бўлди. Мисол учун, дастлабки кунда дунё пахта саноатидаги ўзгаришлар хусусида сўз юритилган бўлса, кейинги кунларида генетика, селекция, сифат ҳамда қайта ишлаш масалаларига оид чиқишлар қилинди. Соҳа истиқболи йўлида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдимотлари ташкил этилди.

— Ушбу йирқи форумнинг соҳа истиқболи учун ҳар томонлама фойдали бўлиши, шубҳасиз, — дейди Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитасининг 76-ялпи мажлиси қатнашчилар учун сўрғуш мамлакатимизнинг пахтачилик саноатидаги янгилашлардан хабардор бўлиш имконини бергани баробарида, барчада унутилмас таассурот қолдирди. Тадбир якунида унинг навбатдаги мажлисини Африка минтақасидаги Кот-д'Ивуар давлатида ўтказишга келишиб олинди.

Дилшод УЛУҒМУРОВО, «Халқ сўзи» мухбири.

ШАРОФ РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

ЭЗГУЛИК БОҒИНИНГ БОҒБОНИ ЭДИ

Бир оғиз ширин сўз билан кимнингдир кўнглига малҳам бўлишдан тортиб эл-юрт равнақи йўлида қилинган улғувор ишларгача — барча-барчаси эзгуликка дахлдор. Зеро, хайрли амаллар — умр сайқали. Шу боис ўз ҳаётини яхшиликка бахшида қилган кишилар номини ҳаммиша юксак ҳурмат-эҳтиром билан ёдга оламиз.

Масалан, айнан Ш. Рашидов раҳбарлик қилган йилларда биргина Қорақалпоғистонда Тахиятош гидроузели, Туя-мўйин — Нукус канали, Нукус — Чимбой темир йўли, Тўрткўл — Нукус автомобиль йўли, Элликқалъа, Халқобод ва Шуманай пахта тозалаш заводлари, Амударё, Беруний, Тўрткўл ҳамда Хўжайли ип йиғирув фабрикалари, Қорақалпоқ давлат университети, "Тошкент" меҳмонхонаси, Бердақ номидаги мусиқали драма театри бинолари ҳамда бошқа саноят ва ижтимоий соҳа объекти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бинобарин, Нукус, Элликқалъа туманлари ташкил этилди. Пировардида мазкур ҳудудларга аҳоли кўчирилиб, янги-янги иш ўринлари яратилди. Бундан ташқари, минтақада шолчилик ривожлантирилиб, қиска мuddатда бу йўналишга ихтисослаштирилган 23 та хўжалик фаолияти йўлга қўйилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасига илғор агротехник янгиликлар киритилди. Ерлар умумдорлиги ва ўз навбатида, пахта, галла ҳамда бошқа экинлар ҳосилдорлиги ошди. Қорақалпоғистон Республикасида турли масъул лавозимларда ишлаш давомида у киши билан кўп бор учрашиб, мулоқот қилиш, йўл-йўриқ ва тавсияларини олишга муваффақ бўлганман. Шароф Рашидов раҳбарлардан ҳалол, камтар, адолатли ҳамда фидойи бўлиши талаб этарди. Ўзи эса бу борада барчамизга ўрнак эди. Шароф Рашидов, йилига икки марта, албатта, Қорақалпоғистонга келарди. Оқдйи одамлар истиқболга ошиқарди. Кун буйи далаларини айланари, меҳнаткашлар билан суҳбатлашар, уларнинг кўнглини кўтаришга интиларди. Самимий сўзлари билан инсонлар меҳрини тезда қозонарди. Албатта, Шароф Рашидов

юртимиз равнақи йўлида улкан ишларни амалга оширди. Бундай фидойилик ва халқпарварлик фазилатларини ёшларимизга ўргатиш улар қалбидо аждодларимиз билан фахрланиш шак-шубҳасиз, Ватан тараққиётига дахлдорлик туйғусини янада кучайтиришга хизмат қилади. Давлатимиз раҳбарининг улғу ота-боболаримиз сиймосини улғулашга қаратилган ташаббуслари ҳар қанча таҳсин ва эътирофга муносиб. Шуманай пахта, ўз вақтида она-Ватанимиз учун умрини бағишлаган, унинг истиқболи йўлида қайғурган, лозим бўлса, курашган азизларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтириш нафақат бурч, балки халқимиз маънавиятининг юксак ифодасидир.

Ўзқоберган ТИЛЕМУРАТОВ, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, меҳнат фахрийси.

МУТОЛАА

Қалб гавҳари

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййиддиннинг янги китоби "Онамнинг қулчалари" деб номланган бўлиб, унга кейинги йилларда ёзилган шеърлари киритилган. Жумладан, меҳр-муҳаббат, инсонийлик ва садқоқат тараднунм этилган сатрлар ўз нафосати билан ўқувчини ҳайратга солади.



"Онамнинг қулчалари" ҳам асл маънода, ҳам мажозий маънода фарзандга аталган беадад яхшиликлар учун қалб гавҳаридан тизилган миннатдорлик изҳорларини ўзига мужассам этади. "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилган китобда, шунингдек, "Хамса хайратлари" деб аталган туркум шеърлар ҳам борки, бу сўз мулкларининг султони Алишер Навоий асарларига бўлган чексиз эҳтиром ифодасидир. Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

Кексаларимиз дуога қўл очганларида, энг аввало, осойишталикни, хотиржамликни Яратгандан сўрайдилар. Зотан, тинчлик — улғу неъмат. Уни қадрлаш эса ҳар бир инсоннинг бурчи ва айланмоғи лозим. Ватанпарварлик нафақат ўз юртининг бало-қазолардан асраш, балки унинг тараққиёти учун курашиш ҳам демокдир. Шу маънода, мазкур тўпلامдан жой олган она-Ватан ҳақидаги шеърлар мутолааси кишига гурур ва фахр бағишлайди, завқ улашади. Бинобарин, онага муҳаббат, унинг тараннуми узвий Ватан таърифига бориб тақалади. Шу боис

Спорт



Жанубий Кореянинг Янгту шаҳрида оғир атлетика бўйича Осиё кубоги ва клублар ўртасидаги китъа чемпионати бўлиб ўтмоқда.

Ҳамюртларимизнинг дастлабки медаллари

Мусобақада тўлиқ таркиб билан қатнашаётган Ўзбекистон терма жамоаси илк кунларданқоқ совини ўринларни кўнга киритди. Хусусан, Осиё кубоғининг хотин-қизлар баҳсларида 58 килограммга ваэн тоифасида курашга киришган Муаттар Набиева даст кўтаришда 91, силтаб даст кўтаришда 106 кг, умумий 197 кг. натижа билан олтин медалга сазовор бўлди. 48 килограммга ваэнда иштирок этган истъодли спортчимиз Махлиё Тоғаева иккикураш якунига кўра 155 кг. (даст кўтаришда 68, силтаб кўтаришда 87 кг.) оғирлики бўйсундириб, терма жамоамиз ҳисоби 3 та бронза медални қўшиб қўйди. Эрақлар ўртасидаги беллашуларда Муҳаммадали Қахрамонов (-56 кг.) даст кўтаришда 111 кг., силтаб кўтаришда 145 кг., умумий ҳисобда 256 кг. тошини кўтариб, Осиё кубоғининг учта, клублар ўртасидаги китъа биринчилигининг яна шунча кумуш медалларига эга чиқди.

Гроссмейстерлик талабини бажарди

Жорий йилнинг 20 — 29 октябрь кунлари Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган шахмат бўйича аънанавий халқро турнирда ҳамюртимиз, ўн уч ёшли Нодирбек Абдусатторов гроссмейстерлик унвонининг учинчи меъёри талабини бажарди.

Жаҳоннинг нуфузли мусобақалари қаторидан жой олган мазкур турнирда 360 нафар шахматчи қатнашди. Нодирбек 5 та баҳсда ғалаба қозониб, 3 та партияда дуранг кайд этди. Натижада 6,5 очко жамгарган ёш шахматчимиз умумий рейтинг очколарига яна 17,9 балл қўшиб олди.



Олий лигада жамоалар сони қисқаради

Ўзбекистон футбол федерацияси Ижроия қўмитаси бдорсининг қарорига мувофиқ, футбол бўйича 2018 йилги олий лига мусобақаларида 12 та жамоа иштирок этади. Чемпионат ўйинлари эса уч давралик тизимда ўтказилади. Бу ҳақда федерация матбуот хизмати хабар берди.

Янги форматта кўра, ҳар бир клуб мавсум давомида 33 та учрашувда майдонга чиқади. Дастлабки икки даврага мавсум аввалида кўра ташланади ҳамда жамоалар "уй — сафар" бўйича баҳс олиб боради. Мусобақанин учинчи даврасига эса репармент асосида, кўра ташлаш йўли билан мезбон — меҳмон аниқланади. Келаси йилнинг олий лига иштирокчиларини аниқлашда 2017 йилги футбол мавсуми ҳамда 2018 йилги чемпионат учун клубларни лицензиялаш якунилари асос бўлиб хизмат қилади. Натижада XXVII миллий чемпионатда 2017 йилда 1 — 11-ўринларни эгаллаган ўн бир жамоага биринчи лига мусобақаларида голиб чиққан клуб қўшилидиган бўлди. Суннатилла ИСЛОМОВ таярлади.

АНЖУМАН

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 2-3 июнь кунлари Андижон вилоятига ташрифи чоғида "Боғи Бобур" истироҳат боғи, Бобур номидаги халқро жамоат фонди фаолияти билан танишиб, бу ерни янада обод қилиш, Бобур ижодий меросини ўрганиш, кенг тарғиб этиш ишлари кўламини янада кенгайтириш зарурлигини таъкидлаб, бу борада халқро анжуман ўтказиш таклифини билдирган эди.

Жаҳон маданияти ва Бобур мероси

Шу асосда ташкил қилинган "Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг жаҳон маданияти тарихида тугган ўрни" мавзусидаги халқро анжуманда давлат ҳамда жамоат арбоблари, тарихчи олимлар, бобуршунослар, шоир-ёзувчилар, жамоатчилик вакиллари қатнашди. Унда Бобур ва бобурийлар ҳаёти, ижодий меросини ўрганиш, тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Утган давр мобайнида яратилган бой илмий-маданий мерос намуналарини Ватанимизга қайтариш ҳамда илмий истъомолга киритиш ишлари амалга оширилди. — дейди Бобур номидаги халқро жамоат фонди раиси Зокиржон Машрабов. — Хусусан, 40 дан зиёд мамлакатларга илмий сафарлар уюштирилди. Натижада янги манбалар топилиб, "Бобур ва жаҳон маданияти" музейига топширилди. Айниқса, жорий йилда бобуршунос олимлар томонидан "Бобур энциклопедияси", "Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бабуриды. Библиография" номи йирик китоблар чоп қилинган, "Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазиналари" рукнида "Мубайян ва насрий баъни", "Рисолаи Волидийа" назмий таржимаси ва шарҳи асарлари яратилган, "Бобур ва дунё" журнали нашр

этила бошланганини алоҳида эътироф қилиш ўринлидир.

Анжуманда Хитой, Хиндистон, Туркия, Япония, Бангладеш, Афғонистон, Қирғизистон, Туркменистон, Озарбайжон каби кўплаб давлатлардан ҳам бобуршунос олимлар иштирок этди. — Ўзбекистонда жаҳон илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган улғу алломалар ҳаёти ҳамда ижодини ўрганиш, кенг тарғиб қилиш борасидаги ишлар давлат сийсати даражасига кўтарилгани диққатга сазовор, — дейди Бангладеш Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мосуд Маннон. — Хусусан, илм-фан ривожига салмоқли ҳисса қўшган шоир, олим ҳамда давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурга Ўзбекистон заминидо кўрсатилётган эҳтиром халқингиз ўз аждодларини нечоғли эъзозлашининг ёрқин намунасидир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида яратган илмий асарлари ва Бобур ҳамда бобурийлар меросини халқро миқёсда кенг тарғиб этишдаги улкан хизматлари учун россиялик олима Анна Диббо, бобуршунослар Мирмаҳмуд Мирсайдуллаев, Шокиржон Рустамхўжаев, туркиялик бобуршунос олим Южел Билол Бобур халқро мукофоти билан тақдирланди.

Саманижон ХУСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тиббиётдаги илғор тажрибалар

аҳоли саломатлигини мустақамлашда алоҳида ўрин тутади

Наманган шаҳрида Ўзбекистон онкологларининг аёлларда хавфли ўсмалар профилактикаси, касалликларни эрта аниқлаш ҳамда уларни даволаш масалаларига бағишланган илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

КОНФЕРЕНЦИЯ

Анжуманда юртимиз олимлари билан бирга, Россия, Хиндистон, Туркия, Жанубий Корея ва Япония давлатларидан ҳам мутахассислар қатнашди. Тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, бугунги кунда дунёда онкологик касалликка чалиниш кўрсаткичлари тобора ўсиб бормоқда. Шу боис унинг олдини олишда фаолликни ошириш, ўзаро тажриба алмашишни кучайтириш ҳамда соҳага илғор янгиликларни татбиқ қилиш долзарб ҳисобланади. Мамлакатимизда тиббиётнинг ушбу йўналишига алоҳида эътибор қаратила-япти. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 4 апрелдаги "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишнинг тақомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори ихтисослаштирилган онкологик ёрдамни тубдан тақомиллаштириш йўлида муҳим қадам бўлди. Ушбу ҳужжат асосида Республика онкология илмий маркази Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказига, ҳудудий онкология диспансерлари унинг филиалларига айлантирилди. Онкология муассасаларини энг замонавий тиббиёт ускуналари билан таъминлаш режалаштирилган бўлиб, бу борада амалий ишлар бошлаб юборилди. Халқро ташкилотлар ҳамда етакчи хорижий тиббиёт илмий марказлари билан ҳамкорлик кенгайтирилмоқда. Жумладан, ҳозирги кунга дунёнинг саккизта нуфузли клиникаси билан ўзаро келишув меморандумлари имзоланди. Конференциянинг дастлабки иш кунинда бир қатор хорижий давлатларнинг етакчи олимлари маъруза қилдилар. — Хавфли ўсмалар профилактикаси ва уларни даволаш ишларини муваффақиятли ўтказишда илмий салоҳият ҳамда тажрибаларни умумлаштириш алоҳида аҳамиятга эга, — дейди хиндистонлик мутахассис Панжаж Кумар Панде. — Бу борада юртингиз шифокорлари билан ўзаро тажриба алмашиш ва тақомиллаштириш ишлари самараларни бермоқда. Бу балги анжуман

эса соҳада инновацион технологияларни фаол қўллаш жараёнига туртки бўлиши, шубҳасиз. Икки кун давом этган анжуман кун тартибига амалий тадбирлар ҳам киритилган бўлиб, марказнинг Наманган вилояти филиалида хавфли ўсмалар устида жарроҳликнинг янги усулини қўллаш бўйича маҳорат дарслари ташкил қилинди. Бундан ташқари, филиалда ўрнатилган замонавий хорижий технологик ускуналар тақдироти ҳамда Ибн Сино ҳайкалининг тантанали очилиш маросимлари ҳам бўлиб ўтди. Соҳанин ёш мутахассислари иштирокида "Ёш онкологлар" анжумани ўтказилди. Конференциянинг очилиш маросимида Наманган вилояти ҳокими Х. Бозоров сўзга чиқди. Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шифобахшлик хусусияти ортади

Яккабоғ туманидаги "Делта муҳандис" масъулияти чекланган жамиятида мева шарбатларига сабзавотлар қўшиш орқали уларнинг витаминларга бой турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Жамият мутахассисларининг айтишича, айни пайтда бу ерда олма билан сабзи, қовоқ, лавлаги, нок, лимон ва бошқа сабзавот ҳамда мевалар омикталаштирилган ҳолда ичимликлар тайёрланмоқда. — Корхонамиз Австриядан келтирилган замонавий қайта ишлаш технологияси билан жиҳозланган, — дейди МЧЖ тасвирчиларидан бири Сирожиiddин Валиев. — Маҳсулотларимиз истъомчиларга жуда манзур бўлаяпти. Уларни Тошкент шаҳри савдо дўконларига ҳам етказиб бераёلمиз. Эътиборлиси, 2016 йилда воҳада 10 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари қайта ишланган бўлса, жорий йилда ушбу йўналишдаги корхоналар сонининг кўпайиши ҳисобига бу кўрсаткич икки баробарга ортиши кутуляпти. Аҳад МУХАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА

Advertisement for MAZ Belarusian Automobile Plant. Includes images of various vehicles like trucks, buses, and tractors. Text: МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ Беларусь Республикаси. Расмий дистрибьютор Тошкентдаги омбордан тақлиф этади. Тел.: (+998 93) 555-00-95, (+998 93) 555-12-88, (0-371) 291-68-94. www.maz.by E-mail: maztashkent@mail.ru

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонучилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1045. 76 181 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Обсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Баҳоси келишилган нархда.
Телефонлар: Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибхона (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Ташрифтга келган кўпмаъра тақриз қилинмайдан ва муаллифга қайтарилмайдан. Реклама материаллари учун тахрират жаобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обуяни расмийлаштирилган ташкилот жаобгар.
Газета тахрират компьютер мезгилда термалда ҳақда оператор М. Бегмуртов томонидан сарҳаллақлади.
Газетанинг полиграфия жиҳазлари сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа вакиллик компанияси масъул.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров.
Навбатчи — Ю. Буранов.
Мусаххот — Ш. Машраббев.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ўза якуни — 21.20 Топширилди — 22.50 2 3 4 5 6